



XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ

Утанов Нормумин Аллаярович

*Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги М. С. Восиқова
номидаги Академик лицейи тарих фани ўқитувчиси Емаил:*

[нормуминутанов@gmail.com](mailto:normuminutanolov@gmail.com)

Тел: +998 97 7040468

Ўтган асрнинг 20-30 йилларида совет ҳукумати коммунистик мафкурани мустаҳкамлаш мақсадида бутун Собиқ иттифок ҳудуди, шу жумладан, Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳам жадал мафкуравий ишларни амалга оширди. Бунда большевиклар раҳбарияти муайян тарзда оммавий маданий-маърифий ва сиёсий тарбиявий ишлар олиб боришга муҳим аҳамият берди. Ана шу мақсадда биринчи навбатда «инқилобдан олдинги» маданий-маърифий ташкилотларни, айниқса, диний муассасалар билан боғлиқ бўлган «маданий ўчоқлар»ни умумийлаштириш ҳаракатлари кенг тус олдирилди. Шу билан бирга, ўзига хос шўро маданий-маърифий муассасалари – клублар, халқ ва ишчилар уйлари, кироатхоналар, қизил чойхоналар, қизил ўтовлар ва ҳоказоларни ташкил этиш юзасидан кенг миқёсда ишлар олиб борилди. Умуман, 1920-йилларнинг охири-ларига келиб, Туркистонда 177 та «социалистик кутубхона, 97 та клуб, 76 та қизил чойхона, 172 та кироатхона ва бошқа муассасалар фаолият юритар эди⁸. Лекин улар кам эди. Республика Маориф халқ комиссарлиги 1932 йил “1933-1937 йилларда республика кутубхона муассасалари тармоғини ривожлантириш режаси”ни ишлаб чиқди⁹. Унда шаҳар ва қишлоқ жойларида кутубхоналар барпо этиш назарда тутилган эди. 1938 йилга келиб кутубхоналар сонини 2,5 баравар, қишлоқ жойларда уч баравар кўпайтириш белгиланди¹⁰. Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида махсус кутубхоначилик бўлими ташкил этилди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1938 йилга келиб ҳар уч қишлоқ кенгашида иккитадан доимий кутубхона ташкил этишга киришилди. Корхоналар ва колхоз совхозларда ҳам кўчма кутубхоналар юзага келди¹¹. Мазкур муассасалар совет мафкурасини халқ орасида кенг ёйиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак эди.

Гарчи, кутубхоналар сони, йил сайин ўсиб борган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти мосланмаган бино ва хоналарда жойлаштирилган, китоб фонди ниҳоятда камбағал бўлиб, китобхонларнинг эҳтиёжларини қондира олмайдиган

⁸ Қаранг: КПСС о культуре, просвещении и науке. – М.: 1963. – С. 130.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги архиви, ЎзР Маориф халқ Комиссарлиги материаллари, 1-120-рўйхат, 6-иш, 7-9 варақлар.

¹⁰ Ўша жойда, 9-варақ.

¹¹ Қизил Ўзбекистон, 1936 йил 23 май



даражада эди. Умуман, ҳисоб-китобларга қараганда, Республикада ўша даврда ҳар 100 аҳолига 34 та китоб тўғри келарди. Бунинг устига кутубхона ишлари айниқса, қишлоқда тўғри йўлга қўйилмаган, кутубхоначилар эса махсус маълумотга эга эмас эди.

Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси (1870 йилда ташкил этилган) республиканинг марказий кутубхонаси бўлиб, унга кейинроқ (1941 йил) Алишер Навоий номи берилди. Бу ерда кутубхона ишининг нисбатан мақбул даражада ташкил этилганлиги, унинг кутубхоначилиқ ишини юритиш масалалари юзасидан услубий материаллар билан етарли таъминланганлиги, мазкур кутубхона жамоасининг амалий ёрдами кўп жиҳатдан, туман ва қатор идоравий кутубхоналарда ишни муваффақиятли яхши йўлга қўйишга ёрдам берди. Бироқ бу марказий кутубхона ҳам мустабид тузум шароитида ўз фондини китоб билан зарур даражада тўлдира олмаган, унинг фаолиятида муайян камчиликлар бор эди: бўлимлари иш жараёнида бир-биридан ажралиб қолиб, режали иш олиб бормасди, китоб фонди библиографияси ва китобхон талаби етарли ўрганилмас, кўплаб буюртмалар бажарилмай қоларди, кутубхонанинг болалар филиали ёпиб қўйилган, унда молиявий ва моддий қийинчиликлар ҳам мавжуд эди.

1937 йил 27 мартда Ўзбекистон ҳукумати қабул қилган “Республикада кутубхоначилиқ иши тўғрисида”ги қарорда кутубхона ишини яхшилаш, кутубхоначилар савиясини ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилди¹².

Шундан кейин 2 та республика, 5 та вилоят ва ўнлаб туман кутубхоналари ташкил этилди, кутубхонашунослиқ ва библиография бўйича республика услубий кабинети ва кутубхоначилиқ техникуми очилди. Термиз, Қарши ва Урганчда вилоят кутубхоналари учун янги бинолар барпо этилди¹³. Айни вақтда мавжуд кичик кутубхоналар бир-бирига қўшиб, йириклаштирилиб яхши биноларга жойлаштирилди. Натижада, 1940 йилда Ўзбекистонда 1792 та оммавий кутубхона ишлаб турди, улардаги китоб ва журналлар сони 25553 минг нусхани ташкил этди. Мазкур кутубхоналарнинг 1295 таси қишлоқ жойларда бўлиб, улардаги китоб фонди 974 минг нусхадан иборат эди¹⁴. 1940 йилда республиканинг қишлоқ жойларида 3813 та қизил чойхона ва 300 га яқин қироатхона мавжуд эди¹⁵.

Мактаб кутубхоналари ҳам кўпая борди. 1938-39 ўқув йили бошларида Ўзбекистон мактабларида 1845 та кутубхона бор бўлиб, улардан 672 таси бошланғич мактабларда, 919 таси етти йиллик ва 254 таси тўлиқ ўрта мактаблар ҳузурида иш олиб борарди¹⁶. Уларда жами бир миллион нусхага яқин китоб мавжуд эди.

¹² ЎзР МДА, 737-фонд, 2654-иш, 7-варақ.

¹³ ЎзР МДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 1679-иш, 2-варақ.

¹⁴ Народное хозяйство УзССР за 50 лет. Сб. стат. материалов. - Т., 1967, 226-бет.

¹⁵ ЎзР МДА, 34-фонд, 5-рўйхат, 17-иш, 40-41 варақ.

¹⁶ Основные показатели выполнения народно-хозяйственного плана УзССР. - Т.: 1939. - С. 56.



Гарчи, статистика маълумотлари республикадаги кутубхоначилик ишининг муваффақиятларидан далолат берса ҳам, ўша вақтдаги 6,4 миллиондан ортиқ республика аҳолисининг кутубхона хизмати билан тўла ва сифатли таъминланган деб бўлмасди. Чунки аксарият, айниқса қишлоқ жойларида кутубхоналар талабларга жавоб беролмасди. Уларнинг бинолари мослашмаган, моддий базаси етарли эмас, китоб фондларида зарур китоблар ҳамиша топилавермас, кутубхоначи ихтисосига эга кадрлар ниҳоятда оз, кутубхона ходимлари меҳнатига жуда кам ҳақ тўланарди.

Бироқ, шунга қарамай, кутубхоналар иложи борида кўпроқ маданий-оммавий тадбирлар ўтказишга ҳаракат қилардилар. Масалан, Бухоро вилоятининг Вобкент, Фарғона вилоятининг Марғилон, Андижон ва Тошкент вилоятининг Чиноз туманларидаги кутубхоначилар сиёсий-ғоявий тарбияга оид суҳбатлар ўтказишар, маъруза кечалари, ўқувчилар конференциялари уюштиришар, кўчма кутубхоналар ташкил этиб, туман марказларидаги қизил чойхоналарга хизмат кўрсатишар, кироатхоналар ташкил этишда қишлоқ кенгашларига ёрдам беришарди¹⁷.

Республиканинг янгидан ташкил этилган барча олий ўқув юртлирида фундаментал кутубхоналар, талаба ва илмий ходимлар учун ўқув заллари очилди. 1940 йилда Республикадаги олий ўқув юртлири ва илмий-тадқиқот институтларига қарашли 85 та махсус кутубхонада 2,6 млн. нусха китоб ва журнал бор эди¹⁸. Республиканинг маҳандис-техник ходимлари куч-ғайрати билан 40 дан ортиқ илмий-техникавий кутубхоналар ташкил этилди. 1933 йилда Фанлар қўмитасининг асосий кутубхонаси, 1935 йилда Республика соғлиқни сақлаш комиссарлиги илмий-тиббиёт кутубхонаси очилди. Шунингдек, тармоқ илмий-тадқиқот институлари саноат корхоналари ҳузурида ҳам кутубхоналар ташкил этилди.

Республика Давлат халқ кутубхонаси фондида Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари ўтмишини ўрганиш учун бой ва ниҳоятда қимматли қўлёзмалар ҳамда адабий манбалар тўпланди. Унинг ҳузурида илмий ва махсус кутубхоналар ишини мувофиқлаштирувчи ассоциация ташкил этилди. Ассоциация барча илмий кутубхоналарнинг маълумотнома ва илмий библиографик ишлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб, кутубхоналар ишини республикадаги ижтимоий-иктисодий ва маданий ўзгаришларнинг долзарб вазифалари билан боғлаш, шунингдек, илмий кутубхоналарнинг ўзаро ёрдам кўрсатишини ташкил этиш борасида катта ишлар олиб борди¹⁹.

Бироқ маданий қурилиш соҳасидаги умумий иллатлар мазкур жабҳада ҳам намоён бўлди. Инқилобдан олдин ўтган кўпгина шоир ва ёзувчиларнинг,

¹⁷ Ўз Р МДА, 58-фонд, 16-рўйхат, 1679-иш, 34-варақ.

¹⁸ Ўз Р Халқ таълими вазирлиги архиви. Маориф халқ комиссарлиги материаллари, 76 А-иш, 70-варақ

¹⁹ Ўз Р Халқ таълими вазирлиги архиви, 6-180-фонд, 42 – иш, 87-варақ



шунингдек, сталинча қатағон даврида таъқиб этилган ижодкорларнинг асарлари фондлардан чиқариб ташланди. Шунингдек, кутубхоналар томонидан амалга ошириладиган маданий-маърифий тадбирлар марксизм-ленинизмнинг сийқа ақидаларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Сталинча маъмурият барча маданият муассасалари ва ижодий ташкилотлар устидан қаттиқ мафкуравий назорат ўрнатишга, партиянинг маънавий жараёнларга аралашувини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Бунинг натижасида маданият сиёсат воситасига айлантирилди. Жамиятнинг маънавий маданиятдаги ўрни худбинона иқтисодий ва мустамлакачилик мақсадларига мувофиқ равишда катий тартибга солинди.

Ўша йиллардаги совет маданий сиёсатининг умумий йўналиши миллий-маънавий ҳаётнинг тарихий асосларига путур етказишдан иборат бўлди. Маънавий соҳада синфийликни қарор топтириш мақсадида миллий маданият мазмуни жадаллик билан сунъийлаштириб борилди, халқни унинг бой-маънавий меросидан ажратиб қўйиш жараёни авж олдирилди. «Инқилоб»дан олдин яратилган барча нарсаларни синфий жиҳатдан шубҳали деб ҳисоблаш йўли расман қарор топтирилди. Ҳатто халқ дostonларига қарши шафқатсиз кураш бошланди.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жумҳурият аҳолиси ва асосан ёш авлод орасида совет мафкурасидан четлашмаган ҳолда дунёвий билим олиш имконияти яхшиланди. Лекин, шу билан бирга шўролар мафкураси ҳам ёш авлод онгига сингиб борди. Умумий хулоса қилиб айтадиган бўлсак, совет ҳукумати томонидан кенг миқёсда кутубхоналарни ташкил этиш ижобий ҳолат эди. Лекин, улар фаолиятидан кўзланган мақсад ўта салбий: миллатни ўзлигидан йироқлаштириш, миллий кадриятлар ва маънавий мерос ҳамда диний кадриятларни халқ хотирасидан йироқлаштириш эди.